

ОБУНА УЮШТИРИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА № 23

Тошкент шаҳри

«20» 01 2022 йил

“Ўзбекгидроэнергетика” илмий-техник журнали номидан Уставга асосан ҳаракат қилувчи директор А. Х. Самеджанов кейинги ўринларда “Таҳририят” деб номланувчи бир тарафдан ва “Тошкент Ғаслер Каскери” ЧК, кейинги ўринларда “Обуначи” деб номланувчи номидан Устав (Низом)га асосан ҳаракат қилувчи Д. Х. Каерфуллаев иккинчи тарафдан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб номланувчи, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

Мазкур шартнома бўйича “Таҳририят” “Ўзбекгидроэнергетика” илмий-техник журнали нашрларини белгиланган муддатларда чоп этилишини таъминлаш, “Обуначи” эса нашрлар учун ўз кучи билан ўз ҳудудида йиллик обуна уюштириш, “Таҳририят” белгиланган обуна нархларини олдиндан тўлаш ҳамда чоп этилган нашрларни олиб кетиш мажбуриятини олади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Таҳририят” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Журналнинг обуна нашрлари учун “Обуначи” томонидан олдиндан ҳақ тўланишини талаб қилиш;

2.1.2. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Обуначи”дан талаб қилиш.

2.2. “Таҳририят” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.2.1. Нашрларни белгиланган кунда чоп этилишини таъминлаш, чоп этилиши муддати ўзгарганда бу ҳақда “Обуначи”ни олдиндан хабардор қилиш;

2.2.2. “Обуначи” номига обуна нашрларини олиб кетишга доир юк хатини бериш;

2.2.3. Сифатсиз бўлган ёки боғламларда кам бўлган нашрларни тўлиқ етказиб бериш.

2.3. “Обуначи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Мазкур шартнома асосида бериладиган чораклик буюртмаларда белгиланган нашрларни ўз вақтида чоп этилишини “Таҳририят”дан талаб қилиш;

2.3.2. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Таҳририят”дан талаб қилиш.

2.4. “Обуначи” қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

2.4.1. “Таҳририят” томонидан чоп этиладиган журнал учун шартнома имзолангандан сўнг 10 банк кунида 100 % миқдорида олдиндан тўлаб бериш;

3. ШАРТНОМА БАҲОСИ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартномага мувофиқ, журнал нусхалари сони 30 (учмиш) ни ташкил қилади.

3.2. Журнални чоп этиш даврийлиги: ҳар чоракда.

3.3. Журнал сонининг 1 нусхасига (йиллик 4 та сонига) йиллик обуна баҳоси 692 000 (Олти юз тўқсон икки минг) сўм.

3.4. Шартноманинг умумий баҳоси (обуна нархи) Ҳисоб китоб қилинган (етти юз аччиқ минг) сўмни ташкил қилади.

3.5. “Обуначи” шартнома тузилиб, обуна ташкиллаштирилгандан сўнг 10 банк куни ичида обуна умумий баҳосини 100 % олдиндан тўлаб беради.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун билан белгиланади.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди. Ваколатли орган томонидан берилган махсус ҳужжат енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

6.2. Мазкур шартномани ижро қилишда вужудга келиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

6.3. Тарафлар ўртасидаги низо ва келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилишнинг имконияти бўлмаса, тарафлар уни ҳал қилиш учун Тошкент туманлараро Иқтисодий судига мурожаат қилиши мумкин.

6.4. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Ушбу шартнома ҳар икки томон учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди. Тарафларнинг ҳар бирида бир нусхаси сақланади.


ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ТАХРИРИЯТ”

“Ўзбекгидроэнергетика”
илмий-техник журнали

Манзил: Тошкент ш, Навоий кўчаси, 22-уй
Тел: 90 949-92-85; факс: 71 241-08-59
Х/р 20208000105327250001
Банк: АТБ “Туронбанк” МАБ
МФО 00446 ИНН 308 076 912;
ОКОНХ 18120

“ОБУНАЧИ”



Директор:



А.Х. Самеджанов



А.Х. Самеджанов

А.Х. Самеджанов